

Хусан ХАСАНОВ,

*Ўзбекистон халқаро ислом академияси
Ислом иқтисодиёти ва молияси, зиёрат
туризми кафедраси катта ўқитувчиси,*

Шоҳсултон МИРЗАЕВ,

*Жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий
муносабатлар йўналиши 4-босқич талабаси*

ТАКОФУЛ – ИСЛОМИЙ СУҒУРТА ТИЗИМИ СИФАТИДА

Бугунги кунда суғурта соҳаси бизнес ва молиявий экотизимнинг ажралмас қисмига айланди. Суғурта иши асосан банкдан ташқари муассасалар томонидан олиб борилади. Шунга қарамай, ҳам банк, ҳам нобанк молия институтлари ўз хизматларини кўрсатишда суғурта соҳасидаги қонунчилик талаблари ва кўрсатмаларига мос келиши керак. Жисмоний шахслар, корхоналар ва ҳукуматлар кутилмаган ҳодисалар, ҳаёт ва капитал йўқотиш хавфини бошқариш учун суғурта хизматларидан тобора кўпроқ фойдаланмоқдалар.

Исломий молиялаштиришнинг жадал ривожланиши анъанавий равишда олиб борилаётган молиявий операцияларнинг шаръий талабларга мос келадиган альтернативини талаб қилди. Шариат принципларига асосланган ушбу альтернативни “Исломий суғурта” деб ҳам аташ мумкин. Такофул шариат тамойилларига мувофиқ ишлайди ва шу билан бирга анъанавий шеригига тенг келадиган имтиёз ва хизматларни тақлиф этади. Шу сабабли, Такофул суғурта тизимида ишонган молия истеъмолчилари тобора кўпайиб бормоқда ва бу уларнинг эътиқодларига мос келиб, жисмоний шахслар

ва халқаро молия ташкилотлари учун хавфни қоплашни таъминлайди.

Кейинги йилларда мусулмон мамлакатларининг аксарият қисмида Такофул (Исломий суғурта) бозорини ривожлантириш ва тизимни такомиллаштириш борасида кўплаб илмий ишлар олиб борилмоқда. Уларнинг аксарияти асосан хорижий тиллар жумладан инглиз, араб ва рус тилларида ҳисобланади. Ўзбек тилида бу мавзу бўйича санокли қўлланмалар мавжуд бўлиб, улардан Х.Ҳасанов муҳаррирлиги остида Е.Байдаулет қаламига мансуб ўзбек тилига таржима қилинган “Исломий молия асослари” китоби, З.Б.Мустафаев муҳаррирлиги остида Р.Беккиннинг “Ислом иқтисодий модели ва замон” китобларини мисол қилиб келтирса бўлади. Бу китоблар олий ўқув юртлари талабалари, тадқиқотчилар ва кенг жамоатчилик учун мўлжалланган бўлиб, унда исломий молиялаштиришнинг назарий асослари, механизмлари, маҳсулотлари, жумладан Такофул суғурта тизими, шу соҳа билан шуғулланадиган халқаро ташкилотларга оид маълумотлар келтирилганлигини мисол тариқасида келтириш мумкин. Биринчи

китобда келтирилишича “Шариатнинг асосий манбаларида суғурталашнинг жоиз ёки ножоизлиги ҳақида аниқ кўрсатмалар мавжуд эмас. Ислом хатар ва ноаниқликнинг ўзини ман этмайди, балки олди-сотди шартномасидан фойдаланган ҳолда, сотув ва айирбошлаш хатарини бошқа шахсга ўтказишни тақиқлайди. Аксарият мусулмон фикҳшунослари анъанавий суғурталаш ман этилган (ҳаром) ҳисобланади деган нуктаи назарни маҳкам тутадилар.”¹ Бевосита Исломий банкчилик билан боғлиқ бўлган ушбу суғурта тизими мусулмон диёрларида анъанавий суғуртага муқобил, Исломий шариат қоидаларига мутлақо тўғри келиши билан, кенг қўламда ўз бозорига эга бўлиб бормоқда.

Беккингга кўра “Такофул” сўзининг ўзи ҳам исломий суғурталашга бирданига бирикиб кетмади, балки 1980-йилларнинг биринчи ярмида, 1984 йилда Малайзияда “Такофул тўғрисида”ги қонуннинг қабул қилиниши ва Жанубий-Шарқий Осиёдаги биринчи исломий суғурта компанияси “Шарикат Такофул Мэлейжиа Берхад”нинг ташкил этилиши натижасида пайдо бўлди.²

Бухгалтерия ҳисоби ва исломий молия институтларининг аудиторлик ташкилоти (AAOIFI) Такофулни “Муайян хатарлар натижасида келиб чиқадиган шикастланишларни бошқариш бўйича бир гуруҳ шахслар ўртасида келишув жараёни”³ деб белгилайди. Шунга ўхшаш, аммо биров бошқача шаклда, Исломий молиявий хизматлар кенгаши (IFSB) Такофулни “Қатнашувчиларнинг таваккалчилик жамғармасига белгиланган бадал шаклида ўз хиссасини бериш мажбурияти эвазига ўзаро қафолат”⁴ сифатида белгилайди. Иштирокчилар кўрсатилган хавфлардан келиб чиқадиган

зарарлар учун бир-бирларини биргаликда қўллаб-қувватлашга ўзаро келишиб оладилар “(IFSB, 2018 йил январь). Шунинг учун Такофул, бошқа тилларда қандай талқин қилинишидан қатъий назар, шариатга мос келадиган ўзаро ишончни таъминлаш шартномавий тузилмаси ҳисобланади.

Мустафо аз-Зарқо қуйидагича таъриф берган: “Бу, хавфларнинг бир қисмига дучор бўлган кишиларнинг хавфини суғурталаш пайтида улардан ҳар қандай иштирокчига компенсация тўланадиган пул микдорини бадаллик тўлови йўли билан қопланишини англатади. Бунга мисол, олтин бозори савдогарлари учун, масалан, уларнинг пулларида кооператив жамғармасини ташкил этиш, бунда ҳар бири суғурта бадалидаги ўз улушини фавқулодда ёрдам фондига ажратилади, шу суммадан, хавф, масалан, ўғирлик ёки ёнғин хавфи юзага келганда, абонентлар (аъзолар) га компенсация тўланади.”

Доктор Ваҳби Зухейлининг таърифи бўйича эса Такофул, “Муайян бир кўнгилсиз ҳодиса хавф туғдирса, етказилиши мумкин бўлган зарарни қоплаш учун ҳар бир аъзонинг алоҳида аъзолик бадали тўлашида, бир неча кишининг келишувидир.”⁵

Шайх Файсал Мавлавийнинг фикрича, “Бу бир гуруҳ кишиларнинг ҳар бири томонидан тўланадиган алоҳида бадаллар орқали молиялаштирадиган жамғармани ташкил этишдир. Бу эрда ҳар бир киши бирон бир бахтсиз ҳодиса юз берган тақдирда ушбу фонднинг маълум бир улушига эга бўлади “.

Шайх Муҳаммад Абу Заҳра буни, ўзларининг улушига эга бўлган ва ўзлари орасида вафот этган кишининг оиласига пул бериш ёки тўлаш орқали Ислом қонунларига зид бўлмаган тарзда фойдаланадиган капитални шакллантиришда гуруҳнинг келишуви деб белгилайди. Молиявий мажбуриятлари ёки касал одамларни даволаш, уй-жой қуриш ёки

¹ Исломий молия асослари, Хусан Ҳасанов. – Тошкент: «O'zbekiston» НМИУ, 2019.

² Ислом иқтисодий модели ва замон, Беккин Р.И. – Тошкент: «O'zbekiston» НМИУ, 2019.

³ The Accounting and Auditing Organization for Islamic Financial Institutions (AAOIFI), 2017.

⁴ The Islamic Financial Services Board (IFSB), 2018, January.

⁵ “Islamic Jurisprudence and its Proofs”, p-4/442, Dr. Wahbi Al-Zuhaili.

бахтсиз ҳодисалар натижасида нобуд бўлган товарларнинг нархини тўлаш учун келишув асосида жамланган маблағлардир.⁶

Исломий суғурталашнинг анъанавий суғурталашдан қуйидаги муҳим тафовутларини ажратиш кўрсатиш мумкин⁷:

1. Такофул иштирокчилари бир вақтнинг ўзида суғурта қилдирувчи ва бир-бирларини ўзаро суғурталовчилар ҳисобланади. Суғурта компанияси иштирокчилар манфаатини кўзлаб, фақат агент сифатида фаолият юритади ва суғурта жамғармасининг эгаси бўла олмайди.

2. Жамғарма иштирокчиларининг инвестицион қўйилмаларга киритган маблағларидан келган барча фойда анъанавий суғурталашда бўлгани каби суғурта компаниясининг мулки ҳисобланмайди, балки музориб (суғурта оператори)нинг мукофоти (хизмат ҳақи) чиқариб ташлангач, иштирокчилар ўртасида тақсимланади.


3. Суғурта қопламалари тўланиб бўлгач, қолган барча маблағлар жамғарма иштирокчилари ўртасида уларнинг қўйилмаларига мувофиқ ёки бошқа келишилган усулларда тақсимланади.

4. Такофул фақат соф хатарлардан суғурталашни таъминлайди. Шу билан бир вақтда анъанавий тижорий суғурталашда ислом фикҳида ман этилган чайқовона хатарлардан ҳимояни таъминлаш ҳам мумкин.

Бугунги кунда, дунё бўйлаб 1,389 дан ортиқ тўла ҳуқуқли молия институтлари ва хизмат кўрсатувчи дарчалар мавжуд. 2012 йилдан 2017 йилгача ислом молияси саноати ўртача йиллик 6% ўсиш суръатларини қайд этди. Шунингдек, Эрон, Саудия Арабистони ва Малайзия 2017 йилда дунёдаги энг яхши ислом банк бозорларининг энг муҳим иштирокчилари бўлиб келди. Шундай қилиб, Ислом молия саноатининг жадал ўсиши билан Такофул бозори юқори суръатларга эга бўлди. Ислом

молияси саноатининг бошқа бозорларида нисбатан такофулнинг ҳиссаси ҳали жуда оз.⁸ Шунингдек, 2018 йилда такофул саноатининг умумий активлари 46 миллиард долларгача ўсди ва умумий миқдорда уларнинг сони, 324 та такофул операцион компаниялари, шу қаторда 112 дан ортиқ умумий (General) такофул операторлари (ТО) ва 76 та ҳаётий (Life) ТО лар, 113 та кооператив такофул ва 21 та қайта такофул (Re-Такофул) операторларини ташкил этди. Такофул компаниялари сонининг кўплиги билан суғурта бозори янги такофул операторларини ва кўплаб мамлакатларда ушбу секторга бўлган миқдорларнинг талабларини қондирмоқда.

Жаҳон бўйича такофул ўсиш
кўрсаткичи, млрд \$⁹



Шунингдек, Саудия Арабистони дунёдаги энг катта такофул бозори (глобал такофул ҳиссаси 48%), ундан кейин Эрон (34%), Малайзия (7%) ва БАА (6%)¹⁰. Бирок, иқтисодий пасайиш натижасида, нефт нархининг пастлиги сабабли, Саудия Арабистонида ўсиш 2,1% гача тушиб кетди. Саудия Арабистонида, кооператив такофул саноати, 2005 йилда чиқарилган кооператив суғурта компаниялари тўғрисидаги қонун билан кучга кирадиган кооператив моделига асосланади.

Умумий суғуртанинг ялпи ёзма мукофотлари (GWP) 2005 йилдаги 3589,9 миллион САР¹¹ (Саудия Арабистони Риёли) дан 2018 йилда 14288,4 миллион САРгача ўсди. Худди шундай,

⁸ Thompson Reuters Report 2018

⁹ http://www.sbb.gov.tr/wp-content/uploads/2019/10/Improving-the-Takaful-Sector-In-Islamic-Countries_2019_October.pdf

¹⁰ Исломий Молиявий Хизматлар Кенгаши (IFSB) ҳисоботи, 2018.

¹¹ 1 САР= 0.27 \$, 25.05.2020 ҳолати бўйича


⁶ "Islamic Insurance Between Theory and Practice ar., Abdel Sami' Al-Masri/72

⁷ Исломий молия асослари, Ҳусан Ҳасанов. – Тошкент: «O'zbekiston» НМИУ, 2019. – 432 б, 79-80-бетлар.

тиббий суғурта 2005 йилдаги 1370,3 миллион САР дан 2018 йилда 19,883,4 миллион САРга кўтарилди. Бошқа томондан, ҳаёт суғуртаси қолган икки турга нисбатан кўп ўсмади. Бу 2005 йилда 193.2 миллион САР бўлган ва 2018 йилда 1008.3 миллион САРга етган.¹²

Туркияда эса Такофулнинг бозордаги улуши янги иштирокчиларнинг бозорга кириши билан янада тезроқ ўсди. 2018 йил ҳолатига кўра, такофул суғуртасининг умумий ҳажми, 2,23 миллиард АҚШ долларини ташкил этди, бу 2014 йилдаги атиги 383 миллион TRY (Туркия лираси) атрофида эди. Умумий бозор улушига кўра, суғурта атиги 1.51% ни ташкил этган. Бироқ, 2018 йилда такофулнинг бозордаги улуши 4.31% ни ташкил этди.

Туркияда ҳаётий такофул суғуртаси (Life Insurance) кўрсаткичлари, млн\$¹³



Малайзия эса, бугунги кунда такофул саноатининг Жануби-Шарқий Осиёдаги этакчиси ҳисобланади. Бунинг асосий сабабларидан бири, Малайзия ҳукуматининг ҳар доим ислом молияси саноатининг ривожланиши ва гуллаб-яшнаши учун зарур инфратузилмани қўллаб-қувватлаб келганидир. Мамлакат ислом молияси тизимини ривожлантириш бўйича тўртта асосий стратегик ёндошувлар: меъёрий-ҳуқуқий базани, ҳуқуқий ва шаръий асосларни, маҳсулотлар ва бозорларни ривожлантириш ва билим ва тажрибани оширишга алоҳида

муҳим эътибор қаратганлиги сабабли энг юқори поғонани эгаллади.

Такофул ялпи мукофотлари ялпи ички маҳсулотга қўшган улуши 4,7% ҳисобланади. Бу жуда яхши кўрсаткич. Анъанавий суғурта ва Такофул секторлари юқори умумий мукофотлар ва бадалларни оладилар, улар 2017 йилда 4,9% га (63,5 MYR дан 66,6 млрд MYR гача) ошди. Ушбу тармоқлар бўйича жами активлар ҳам 3,2% га ўсди. Шу йилда 299,5 миллиард MYR дан 309,1 миллиард MYR гача ўсди.

Юртимизда ҳозирги кунда такофул суғурта тизими бўйича деярли бирорта ҳуқуқий ҳужжатлар мавжуд эмас. Бунинг энг биринчи сабабларидан бири сифатида юқорида таъкидланганидек ислом молияси тизими ҳали тўлиқ кириб келмаганлигини келтириш ўринли. Аммо шунга қарамай альтернатив сифатида, ўзаро (икки томонлама) суғурта бўйича бир қанча ҳаракатлар амалга оширилган. Бу борада ҳаракатлар давом эттирилмоқда.

Икки томонлама суғурта (ўзаро суғурта) дастлаб 1993 йил 6 майда қабул қилинган “Суғурта тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 11-моддаси таркибида қисқача қилиб таърифланган эди (ушбу қонун бугунги кунда ўз кучини йўқотган): “Икки томонлама суғурта – суғурта ҳимоясининг шундай шаклларида бирики, унда суғурта қилдирувчилар (фуқаролар ва юридик шахслар) зарур маблағларни киритиш йўли билан икки томонлама суғурта қилиш жамиятларига бирлашадилар.

Икки томонлама суғурта қилиш жамияти ўз аъзоларининг мол-мулки ҳамда бошқа мулкый манфаатларини суғурта қилишни амалга оширади ва тижоратчи бўлмаган ташкилот ҳисобланади”.

1997 йил 1 мартдан кучга кирган Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексида ўзаро суғурта тўғрисида алоҳида 960-модда ажратилиб, унда ўзаро суғурта борасида кенгрок тушунча берилган. Бироқ, 2002 йил 5 апрелда тасдиқланган “Суғурта фаолияти тўғрисида”ги

¹² <https://takaful.org.sa/NewsView>

¹³ Туркия суғурта ассоциацияси ҳисоботи, 2019

Ўзбекистон Республикаси Қонунида ўзаро суғурта борасида бирон-бир норма акс этмади.

Шу билан 2019 йилгача ўзаро суғурта борасида қонунчиликда деярли янгилик ёки ўзгариш бўлмади. Демак, ушбу суғурта шаклининг ҳуқуқий асоси бор, лекин бу суғурта шакли амалиётда яқингача қилинмай келган холос.

24 йил мобайнида (1993-2017 йиллар оралиғида) ўзаро суғурта шаклини жорий қилиш мақсадида бир нечта давра суҳбатлари бўлиб ўтди, илмий изланишлар қилинди, мутасадди ташкилот вакиллари билан учрашувлар ўтказилди, лекин буларнинг ҳаммаси “ҳали амалиётда йўқ нарсa тартибга солинмайди” қабилгидаги ҳулосаларга олиб келаверди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 апрелдаги Ф-5464-сонли фармойиши билан Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик қонунчилигини такомиллаштириш концепцияси тасдиқланди. Концепцияда бир қатор ислохотларни амалга ошириш билан бирга “Суғурта, жумладан ўзаро суғурталаш институтининг ривожланиши, шунингдек ихтиёрий бадаллар инвестициясидан доимий даромад олишни назарда тутувчи шарт-шароитларни яратиш” белгиланган.

Бу нима дегани? Бу, Ўзбекистонда олдин ҳеч ишламаган, ўзаро суғурта институтининг ҳуқуқий мақоми янада мустаҳкамланиши ҳамда дунёда ўзаро суғуртанинг тутган ўрни, яъни ялпи суғурта бозорининг қарийиб 30 фоизини ¹⁴ (2017 йилда 1,3 триллион АҚШ доллари) айнан ушбу суғурта турига тўғри келиши ва ҳалқимиз ўзаро ёрдамда мисли кўринмаган хизматлари билан олдиндан машҳур бўлганликларини инобатга олиб, ушбу ислохотлар давлатимизда ўзаро суғуртанинг янада ривожланишида ўз ҳиссасини қўшишига ҳеч қандай шубҳа йўқ.

Ўзаро суғуртанинг аҳоли ва тадбиркорларга жозибадорлиги шундаки, улар бу борада ўз жамиятларини тузиб ёки мавжуд ўзаро суғурта

жамиятларига аъзо бўлиб турли хил талофат ва ходисалар оқибатида етказилган зарарларни тегишли пул маблағларини жамғариш йўли билан қоплашлари ва ортган қисми, анъанавий суғуртадан фаркли уларок, жамғарма аъзолари ўртасида тақсимланиши ҳам мумкин. Бунда Концепцияда белгиланган шартга кўра ихтиёрий бадалларни инвестицияга йўналтириб ундан доимий даромад олишни назарда тутувчи шарт-шароитларни яратиш керак бўлади.

Шуни таъкидлаш керакки жамғарма низоми, қоидалари, бадаллар ҳисоб-китоби ва бошқа шартлар фақат аъзоларнинг манфаатини кўзлаб ишлаб чиқилади, чунки ўзаро суғуртада аслида суғурталовчини ўзи йўқ. Ҳамма бир-бирига ёрдам кўрсатиш нияти билан аъзо бўлади, бадаллар киритади ва барча шартлар мана шу принцип асосида тартибга солинади.

Юқоридагилардан ҳулоса қилиб шуни айтиш мумкинки давлат томонидан Такофул суғуртасини шакллантиришда фундаментал соҳалар бўлган ислом молияси ва банкчилиги соҳаларини молиялаштирилиш даражаси, унинг таркибий қисмлари қайта кўриб чиқилиши ҳамда ушбу соҳаларда амалга оширилаётган ислохотларнинг самарадорлигини баҳоловчи мезонлар ишлаб чиқилиши зарур. Шу билан бирга инсон капиталининг фирма, компаниялар даражасида сармоя киритиш даражасини ошириш учун қайта ўқитиш ва қайта тайёрлашни йўлга қўйиш учун давлат дотация, субсидияларни ажратиш мақсадга мувофиқ бўлади. Натижада. Ижобий кўрсаткичларга эга исломий суғурта бозорини ривожлантириш ва умумий иқтисодий ўсишга улкан ҳисса қўшишига эришиш мумкин.

¹⁴ <https://www.icmif.org/publications/infographics/global-mutual-and-cooperative-market-infographic>, 2017.